

УДК:631

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Санаева Лола Шукурбоевна**

Жиззах давлат педагогика университети доценти в.б.,

биология фанлари номзоди

E-mail: [sanaeva\\_08@gmail.com](mailto:sanaeva_08@gmail.com)

**Номозов Абдурашид Толлибоевич**

Жиззах давлат педагогика университети,

Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси ўқитувчisi

E-mail: [nomozov7203@gmail.com](mailto:nomozov7203@gmail.com)

**Маннонов Давронжон Мухтор ўғли**

Жиззах давлат педагогика университети,

биология йўналиги 2-курс талабаси

E-mail: [mannonovdavronjon6@gmail.com](mailto:mannonovdavronjon6@gmail.com)

**Хабиев Соҳиб Мансур ўғли**

Жиззах давлат педагогика университети,

биология йўналиги 2-курс талабаси

E-mail: [sredmi377hd@gmail.com](mailto:sredmi377hd@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Жиззах вилоятининг 74 % аҳолиси қишлоқларда истиқомат қилади ва ушбу қишлоқларнинг кўпи тоғли рекреацион ҳамда қўриқланма табиий ҳудудларда атрофига жойлашган. Шунингдек, қишлоқларнинг қадимий анъаналари, номоддий ва номоддий мероси ва хунармандчилиги хам туризмнинг маҳсус турларининг ривожланишига асос бўла олади.

**Калит сўзлар.** Рекреацион ҳудуд, қўриқланма ҳудуд, қишлоқ туризми, агро туризм, қадимий анъаналар, моддий ва номоддий мерос, хунармандчилик, зиёратгоҳлар, чекка қишлоқ ҳудудлари.

## АННОТАЦИЯ

74% населения Джизакской области проживает в селах, причем большая часть этих сел расположена вокруг горно-рекреационных и охраняемых природных территорий. Также древние традиции, материальное и нематериальное наследие и ремесла деревень могут стать основой для развития особых видов туризма.

**Ключевые слова:** Зона отдыха, заповедная зона, сельский туризм, агротуризм, древние традиции, материальное и нематериальное наследие, ремесла, святыни, сельские поселения.

## ABSTRACT

74% of the population of the Jizzakh region lives in villages, and most of these villages are located around mountain recreational and protected natural areas. Also, ancient traditions, tangible and intangible heritage and crafts of villages can become the basis for the development of special types of tourism.

**Keywords:** Recreation area, protected area, rural tourism, agritourism, ancient traditions, tangible and intangible heritage, crafts, shrines, rural settlements.

## КИРИШ

Жиззах вилоятининг қишлоқларидаги аҳолининг 74 % ининг қишлоқлардаги рекреацион ва қўриқланма худудларда атрофида яшашини ҳисобга олсак ушбу жойларда аҳолининг иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда ва экологик туризмнинг алоҳида ўрни борлигини кўрамиз. Шуларни ҳисобга олган холда Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2019 йилнинг 1 ноябридан эътиборан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йигинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантира бошлади. Фуқаролар йигинлари худудларида 20 тадан кам бўлмаган оиласи мөхмон уйлари яратилган тақдирда ва сайёҳлар учун камида беш хил хизмат тури (яшаш ва/ёки овқатлантириш хизматларидан ташқари) қўрсатилган тақдирда, уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилади. 2020 йилдан бошлаб «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомининг

берилган фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига киритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки кейинги ўринларда Жиззах вилоятига ташриф буюрадиган маҳаллий ва чет эллик сайёхларнинг барчаси айнан қишлоқ жойлардаги туристик обьектлар ва туристик манзиллардаги маршрутлар бўйлаб саёхат қиласидар. Демак қишлоқ туризмнинг ривожланиши вилоятга ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёхларнинг ўсиш кўрсаткичига тўғри пропорционал бўлади (1 ва 2 графиклар).

## МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Жиззах вилояти қишлоқларида экологик туризмни ривожлантириш тамоилиларини талқин қилиш шу орқали қишлоқлардаги аҳолини иш билан таъминлашда туризмнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш. Чеккка тоғли қишлоқ ҳудудларида аҳолини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда экологик ва бошқа маҳсус туризм турларидан оқилона фойдаланиш афзалликларини очиб бериш.

## ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Қишлоқ туризми мамлакатимиз учун нисбатан янги йўналиш бўлганлиги туфайли Россия олимларининг илмий тадқиқот ишларида даставвал тўхталаб ўтамиз. А.Ю. Александрованинг “География туризма” деб номланган дарслигига қишлоқ туризмини экологик туризмнинг бир тармоғига қўшишни илгари суради.[4] В.В. Храбовченконинг “Экологический туризм” деб номланган ўкув қўлланмасида экологик туризм билан бирга қишлоқ туризмини ташкил қилиш борасида тўхталган[5]. А.Б. Косолапованинг “Теория и практика экологического туризма” деб номланган ўкув қўлланмасида экологик ва қишлоқ туризмини ташкил қилишнинг назарий масаласи устида тадқиқотлар олиб борган[6]. Шу сингари мамлакатимиз олимларидан З.И. Усманованинг олиб борган тадқиқотларининг асосий йўналишлари Ўзбекистонда туризм-рекрацион хизматларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида рекрацион ва соғломлаштириш туризми талаб даражасида ривожланмаганлигини муассасаларнинг сони камлиги билан изоҳлаган.[7] Бу вилоятлардаги қишлоқлардаги туризм ресурслардан рекрацион ва соғломлаштириш туризмидан самарали фойдаланиш йўллари ва шу орқали қишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштириш борасида тўхталиб ўтилмаган.Д.З.

Норқулова ўзининг илмий тадқиқотлари натижасида Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш борасида бир қатор тавсияларни ишлаб чиқкан бўлиб, асосий йўналиш сифатида ижтимоий ҳимояни кўрсатиб ўтган. [8] Бунда туризмга хизмат кўрсатувчи қишлоқдаги обьектлар ва уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, яхлит тузилмани яратиш борасида тўхталиб ўтилмаган. Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда қишлоқ туризми инфратузилмасини ташкил қилувчи тармоқларни ривожлантириш, шакллантириш ва соҳага инновацияларни жорий қилиш борасида кўплаб муаллифлар ўртасида ягона тушунча мавжуд эмас. Фикримизча бу борада ҳали олиб борилиши керак бўлган тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлиб, қишлоқларимизда туризм инфратузилмасини шакллантиришда тармоқларнинг бир-бирига мутаносиб ривожланишини таъминлашимизда атрофлича белгиланган ҳалқаро тажрибаларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.


### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда қишлоқларимизда туризм инфратузилмаси ривожланишини белгилашда яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шу орқали туризмнинг ривожланишини яхлит инфратузилма сифатида ўрганиш методологияси “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil 2104/2019 (№ 00042) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш, эмперик тадқиқот, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали инфратузилманинг таркибий қисмлари ривожланиши йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилгандир. Шунингдек, 2025 йилгача республикамиз қишлоқлари туризми ривожланиши йўналишларининг устувор вазифаларига оид қилинган ва инфратузилмани такомиллаштиришга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

### ТАДҚИҚОТ ВА НАТИЖАЛАРИ

Ҳозирда Жиззах вилоятида туризм потенциали юқори бўлган ҳудудларига Бахмал тумани 10 та Бахмал тумани(10 ҚФЙ-102 та қишлоқ), Зомин тумани(12 ҚФЙ- 80 та қишлоқ), Фориш тумани(11 та ҚФЙ - 112 та қишлоқ), Фаллаорол тумани(14 ҚФЙ-106 та қишлоқ), Янгибод тумани(5 та ҚФЙ- 30 та қишлоқ) жами 430 та қишлоқ мавжуд. Агар вилоятда умумий қишлоқлар сони 561 та бўлса шундан 80 фоиз қишлоқлар вилоятнинг тоғли


худудларида жойлашган. XX аср ўрталаригача йирик қишлоқлар асосан тоғ ва тоғолди худудларида лентасимон кўринишида шаклланган. Қишлоқларнинг бундай худудий ташкил топгани аҳолининг катта - кичик сой ва дарёлар атрофида, сувга яқинроқ жойлашишга бўлган интилишидир. Қолган туманлар эса асосан ўзлаштирилган чўл худудларида ташкил топган бўлиб, улар ҳам ўз навбатида ўзига хос демографик хусусиятларга эга.



**1-диограмма Жиззах вилоятига ташриф буюрувчи хорижий сайёхларнинг 10 йиллик ўсиш кўрсатичи**

Кейинги пайтларда вилоятнинг тоғ қишлоқлари аҳолининг сони ортиши ҳисобига кенгайиб бориши қўйидаги муаммоларни келтириб чиқаради:

Биринчидан, аҳоли тобора "юқорилаб", яъни тоғ этакларигача жойлашиб, тоғларнинг муҳофаза худудларигача кириб бормоқда;



**2-диограмма. Жиззах вилоятига ташриф буюрган хорижий сайёхларнинг 10 йиллик ўсиш кўрсаткичи**

иккинчидан, аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланадиган қишлоқларда чорва туёғи кўпайиб, табиий ландшафтларга зарар келтиради, доривор ва камёб ўсимликларнинг камайиб йўқолиб кетишига олиб келади;

Учинчидан, аҳоли кўпайиши билан кишиларнинг тоғларга қатнови кўпайиб боради, бу эса ўзига хос табиатга эга бўлган тоғлардаги муҳитнинг ифлосланиши ва бузилишига сабаб бўлади.

Тоғлар мамлакатимизнинг эстетик бойлиги ҳисобланади. Шу боис уларни барқарор ривожланиши қонуниятларига биноан, келажак учун асраримиз лозим. Яъни чорвачилик ва дехқончилик ишларининг ўрнини энди қишлоқларда рекреатция ва туризм, хусусан агро ва экотуризм, зиёрат туризми, миллий спорт-соғломлаштириш, илмий-археологиг, фитотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм кабири туризмнинг маҳсус турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1- жадвал

**Жиззах вилояти қишлоқларининг туризм имкониятлари ва экоутиристик объектлари**

Туман номи	Туризм потенциалга эга қишлоқлар	Туристик имконияти	Рекреация худудлари ва Экотуристик объектлар
Бахмал	Музбулоқ, Зартепа, Алдашман, Бойқўнғир, Новқа, Жум жум сой, Мўғал, Данфара, Тоғ терак,	Экотуризм, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий илмий туризм, зиёрат туризми, фитотуризм,	Зомин давлат кўриқхонаси, Бахмал ўрмон хўжалиги, Зиёратгоҳ ва археологик ёдгорликлар, хунармандчилик ва фолклёр жамоалари
Зомин	Дуоба, Ўрикли, Пешағор, Сувлисой, Қоронғисой, Лайликуя, Хулкар, Еттикечув,	Экотуризм, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий илмий туризм, зиёрат туризми, рекреацион туризм,	Зомин давлат кўриқхонаси, Зомин миллий боги, Зомин ўрмон хўжалиги, Зиёратгоҳ ва археологик ёдгорликлар, хунармандчилик ва фолклёр жамоалари
Фориш	Ухум, Хаёт, Можурум, Қоробдол, Андиган, Михин, Эски фориш, Гараша,	Экотуризм, қишлоқ туризми, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий илмий туризм, зиёрат туризми, фитотуризм.	Зомин давлат кўриқхонаси, Зомин миллий боги, Зомин ўрмон хўжалиги, Зиёратгоҳ ва археологик ёдгорликлар, хунармандчилик ва фольклёр жамоалари, Фориш ўрмон ва ов хўжалиги
Ғаллаорол	Авлиё, Сафарота, Кўкбулоқ, Қўйтош.	Экотуризм, қишлоқ туризми, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий илмий туризм, зиёрат туризми, орнитологик туризм, фитотуризм	Ғаллаорол ўрмон хўжалиги, Зиёратгоҳ ва археологик ёдгорликлар, хунармандчилик ва фольклёр жамоалари
Янгиобод	Хўжа мушкент, Чанговул	Экотуризм, қишлоқ туризми, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий илмий туризм, зиёрат туризми, орнитологик туризм, фитотуризм	Хўжамушент ўрмон хўжалиги, Зиёратгоҳ ва археологик ёдгорликлар, хунармандчилик ва фольклёр жамоалари, “Ховатаг гулшани” номли сиҳатгоҳ
Арна	Лолазор ва Навruz посёлкалари	Экотуризм, агротуризм,	Айдар аранасой кўллар тизими,

	сой ва Зафароб од		спелеотуризм, орнитологик туризм, ов туризми.	Қызылқұм, Айдар- арансай биорезервати
	Ш.Раши дов	Увобсоі, Ровот, Паймарта, Күрпасой, Олти ховуз	Экотуризм, қишлоқ туризми, агротуризм, спелеотуризм, тоғ спорти туризми, этнотуризм, тарихий иілмій туризм, зиёрат туризми, орнитологик туризм, фитотуризм	Молғузар тоғ тизмаси, Марказий ўрмон хұжалиги, Зиёратоқ ва қадамжолар, археологик ёдгорликлар.

Чунки ушбу ҳудудда 3 та алохіда қўриқланадиган ҳудуд Зомин миллий бөғи, Зомин ва Нурота давлат қўриқхонаси, ўрмон хўжаликлар ҳамда Айдар – арнасой кўллар тизимини ҳосил қилувчи табиий масканлар ҳам қишлоқлар ҳудуди ёки улар атрофида жойлашган. Шунингдек, қадимий хунармандчилик, қўпкари, кураш каби спорт ўйинлари, тоғлардаги шифобахш ўсимликлар, фолклёр жамоалари, тоғ сўқмоқлари, ноёб ўсимликлари, қушлари ва бой ҳайвонот дунёси ҳам нафар қишлоқларнинг балки Жиззах вилояти туризмнинг асосий бўлагидир.

Жиззах вилоятидаги –«Давлат муҳофазаси рўйхатлари» га киритилган 427 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шулардан археологик ёдгорликлар 268 та, архитектура ёдгорликлари 100 та, монументал санъат ёдгорликлари 59 тани ташкил этади. Модий маданий меърос қўп туманларга Зомин (104 та), Фаллаорол (71 та) ва Бахмал (68 та) туманлари киради.

Вилоят қишлоқларидағи туризм истиқболларини қишлоқлар кесимида юқори (1-даражада), ўртача(2-даражада) ва паст (3-даражада) даражаларга бўлиб чиқдик, унда 1-даражага Зомин, Бахмал, Фаллаорол, Жиззах туманлари қишлоқлари киради, 2-даражага Фориш, Янгибод туманлари ва нисбатан паст даражага Зарбдор, Мирзачўл ва бошқа чўл ҳудудида жойлашган туманларини киритишимииз мумкин бўлади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, вилоятдаги барча тарихий объектлари яхши ўрганилган ёки туризм инфраструктураси талаб даражасида дея олмаймиз. Ушбу ҳудудлар устида археологик текширувлар ўтказилиши ва уларни қайта таъмирланиши юзасидан чора тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

## Жиззах вилояти моддий маданий мерос объектлари




**3-диограмма. Жиззах вилояти туманларидаги қишлоқлар сони ва улар худудида жойлашган моддий маданий мерос объектлари**

.....Ушбу 3-диограммадаги кўрсаткичлар асмосида 1-даражадаги туризмни ривожлантириш имкони мавжуд бўлган Ғаллаорол, Бахмал ва Зомин туманлари Шимолий Фарбий Туркистон ва Молғузар тоғ тизмалари ён бағирлари ва этакларида жойлашганлиги бўлиб этнографик ва тарихий жиҳатдан дастлабки, қадимий қишлоқлардан ҳисобланади. Ўртacha даражадаги туристик имкониятларга эга бўлган худудларда нисбатан объектлар кам бўлиб буни уларнинг тарихий жиҳатдан нисбатан янгилиги ва 3-даражадаги имкониятга эга худудлар яқин 70 йиллар ичида ташкил қилинган туманлар эканлиги билан боғлиқ.

Тоғ ён бағрида жойлашган туманларнинг табиати ва иқлими бу жойларга азалдан туризм индустряси шаклланганлиги ва эндиликда уларни жаҳон стандартлариiga кўтариш масалалари турибди. Паст ва ўртача туристик имкониятга эга худудларга эса туризмнинг овчилик, балиқчилик, экотуризм, спорт соғломлаштириш, этнографик туризм каби турлари билан бирга агротуризмни ривожлантириш мумкин. Зоро Жиззах вилояти иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этганлиги, яъни қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ҳам боғдорчилик, чорвачилик ва лалмикор дехқончилик билан шуғулланиб келади. Жумладан, Ғаллаорол тумани Галла

етиштиришга, Фориш - узумчиликка, Бахмал тумани олма, Зомин кўпроқ чорвачиликга ихтисослашган бўлса Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор туманларининг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жумладан пахтачилик, ғаллачилик ва шоличиликка ихтисослашган.



**4-диограмма. Жиззах вилоятида жойлаштириш воситаларининг**

### **10 йиллик ўсиш кўрсаткичлари**

Юқоридагиларни ҳисобга олиб Жиззах вилоятида туризм инфратузилмаларини шакллантириш ва худудга сайёхлар сонини ошириш юзасидан хукумат доирасида бир қанча қарор ва фармойишлар имзоланди[1,2,3,4]. Бугунги кунда улар ижроси натижасида вилоятда кемпинглар ва хостеллар сони ошиб бормоқда (2-схема).

Жиззах вилоятига ташриф буюрадиган хорижий сайёхлар Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлардагидек обида ва мажмуаларга эга бўлмасада тоғ, дарё ва кўлу-чўллари бағридаги қадимий тарихга ўзига хос, бир бирини такрорламайдиган қишлоқлардаги туристик маршрутларидан фойдаланмоқдалар.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Юқорида таъкидланган муаммолар тобора кескинлашиб бориши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг олдини олиш учун қуйидаги чоралар қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

-Тоғ қишлоқларида аҳоли уй - жойлари қурилишини тартибга солиш;

-Аҳоли жойлашуви ва уй - жой қуриш, фойдаланиши мумкин бўлган ҳудудлар чегарасини қатъий белгилаш;

-Қишлоқлар аҳолисини доимий иш билан таъминлаш учун аҳолига бизнес соҳалари сирларини ўргатиш;

-Қишлоқлар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш;

-Қишлоқларда замонавий рекреация ва туризм инфратузилмасини шакллантириш;

-Вилоятдаги туристик потенциали юқори бўлган қишлоқларнинг туристик маршрутларини, хариталари ва уларнинг мобил иловаларини яратиш:

-Хар бир туристик потенциали юқори қишлоқларнинг туризм брендини яратиш ва уни жаҳон туризм бозорида тарғибот қилиш;

-Вилоятниг туристик қишлоқларида туризм тадбирлари ва ярмаркаларини ташил қилиш;

-Вилоятда туризм йўналишида кенг миқёсда фаолият юритувчи менежментлар ва маркетологларни тайёрлаш;

-Вилоят қишлоқлари маҳаллий аҳолисининг туризм соҳасида билим ва қўнимларини шакллантириш учун уларни ўқитиш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

-Вилоятдаги алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ходимлари орасида туристларни қабул қилиш ва уларга сервис хизмати қўрсатишда алоҳида малакали кадрларни тайёрлаш;

-Маҳаллий аҳоли ва вилоятдаги алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ҳамда туризмни ривожлантирувчи тизилмалар ўртасида ўзаро алоқа ва қўллаб қувватлаш механизми шакллантириш;

-Вилоятдаги маҳаллий тизилмалар, фермерлар уюшмаси, қишлоқ хўжалиги бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмончилик, хунармандлар уюшмаси ва бошқа шу каби ҳуқуқий органлар билан туризм минтақавий бўлими ўртасида ишчи гуруҳларни шакллантириш;

-Вилоятда агротуризмни ривожлантириш ва уни ташвиқот тарғибот қилиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун маҳсус уюшмалар ташкил қилиш;

-Қишлоқларнинг тизилмаси хунармандчилиги ва этнографиясидан келиб бчикиб уларниг туристик брендини ва эсдалик совғаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

Ушбу муаммоларни ҳал этиш Жиззах вилояти ижтимоий – иқтисодий ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Шу билан бирга төг минтақалари ва уларнинг чўл ҳудудлари билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш вилоятда ягона иқтисодий макон шаклланишига асос бўлади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.“Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2016 йил 2 декабрь, ПҚ-2666-сон.
- 2.“Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 6 февраль, ПҚ-3510-сон.
- 3.“Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон
- 4.“Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2016 йил 2 декабрь, ПҚ-2666-сон.
- 5.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сухность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
- 6 А.Ю. Александрова. География туризма. Москва, Кно Рус, 2010, 590 с.
- 7.В.В. Храбовченко. Экологический туризм. Учеб. Пособ. Финансы и статистика, Москва, 2004.-172 с.
- 8.А.Б. Косолапов. Теория и практика экологического туризма, Учеб. Пособ. Москва, КНОРУС, 2005.- 240 с. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 4, iyul-avgust, 2019 yil 154/2019 (№ 00042) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
- 9.Усманова З.И.Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари. Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд 2018 й. -17-19 б.
- 10.Норқулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд 2018 й. -21-23 б.
- 11.Jizzax viloyatida qishloq turizmining mikoniyatlari. “Инновацион техника ва технологияларни қўллашнинг устувор йўналишлари: тажрибалар, муаммолар, истиқболлар”. Иқтидорли талабаларнинг илмий техник анжумани маъруза тезислари тўплами. Жиззах, 17 март, 2015 йил.